



Ислом Нури

«Аллоҳнинг вакиллари учдир: Ғозийлар, ҳожилар ва умра қилувчилар»- дедилар» (Албоний, «Саҳиҳун-Насоий», 2/ 557; «Саҳиҳул-Жомеъ», 6/108 да бу ҳадисни саҳиҳ деган).

Абу Ҳурайра деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Аллоҳнинг вакиллари учдир: Ғозийлар, ҳожилар ва умра қилувчилар»- дедилар» (Албоний, «Саҳиҳун-Насоий», 2/ 557; «Саҳиҳул-Жомеъ», 6/108 да бу ҳадисни саҳиҳ деган).

:«Аллоҳ -«Аллоҳнинг вакиллари учдир: Ғозийлар, ҳожилар ва умра қилувчилар»- дедилар» (Албоний, «Саҳиҳун-Насоий», 2/ 557; «Саҳиҳул-Жомеъ», 6/108 да бу ҳадисни саҳиҳ деган).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ йўлида жиҳодга чиққан, ҳаж ва умра қилган одамлар Аллоҳнинг вакиллари. Аллоҳ уларни чақирди ва улар чақириққа ижобат қилиб келдилар. Улар Аллоҳдан тиладилар ва У уларнинг тилакларини берди» (Ибн Ҳиббон, ибн Можа ва бошқалар ривоят қилдилар. Албоний «Саҳиҳу ибн Можа», 2/ 149 ва «ал-Аҳадисус-Саҳиҳа», 4/ 433 да бу ҳадисни саҳиҳ деди).

Ҳаж аёллар ҳаққидаги энг яхши жиҳод

«Аллоҳнинг вакиллари учдир: Ғозийлар, ҳожилар ва умра қилувчилар»- дедилар» (Албоний, «Саҳиҳун-Насоий», 2/ 557; «Саҳиҳул-Жомеъ», 6/108 да бу ҳадисни саҳиҳ деган).

Уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Эй Расулуллоҳ, сизлар билан ғазотга чиқмаймизми ва жиҳод



Ислом Нури

қилмаймизми? деб сўрадим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «сизлар учун жиҳоднинг яхшироғи ва гўзалроғи мабрур ҳаж» дедилар. Оиша розияллоҳу анҳу айтадилар, мен ул зотдан бу гапларни эшитганимдан кейин ҳажни тарк қилмадим. Бухорий ривояти.

Уламолар дедилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажда нафс-ҳаво билан олишиш бўлгани учун уни жиҳод деб атадилар.

Ҳаж маросимлари томон қилинган ҳар бир ҳаракат учун ажр ва савоб бор

«...» : ... : ...»

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу сўзларни эшитдим дейдилар: «Ҳожининг туяси оёғларини ҳар бир кўтаришида ва босишида Аллоҳ таоло ҳожи учун бир ҳасана ёзади ёки ундан бир ёмонликни ўчиради ёки унинг даражасини бир поғона кўтаради». Байҳақий ривояти.

Талбия айтувчига жаннат башорати берилади

...»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳаргиз талбия айтувчи талбия (лаббайка) айтarkan унга башорат берилади, ҳаргиз такбир айтувчи



Ислом Нури

«...».

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Киши оёғини кўтариб ташласа (яъни қадам ташласа) унга 10 ҳасанот ёзилади, ундан 10 ёмонлик ўчирилади ва унинг даражаси 10 тага кўтарилади.» Аҳмад ривояти.

Арафот аҳлининг фазилати

...

...

Абдуллоҳ ибн Муборак Суфён Саврийдан, у Зубайр ибн Адийдан у эса Анас ибн Моликдан ривоят қилди, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Арафотда турдилар. Қуёш ботай деганда, Билолга дедилар: «Эй Билол, Одамларни менга қулоқ туттиринг.» Билол туриб: Эй одамлар, Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга қулоқ тутинглар, деди. Одамлар қулоқ тутдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Эй одамлар, менинг ҳузуримга ҳозиргина Жибрил алайҳис-салом келиб Роббимдан менга салом айтди ва Аллоҳ Арафот аҳлини ва Машъар (ул Ҳаром) аҳлининг гуноҳларини кечирди....., дедилар.» Умар розияллоху анху туриб, эй Расулуллоҳ, бу бизларга хосми? Деди.



Ислом Нури

«Бу сизларга ва сизлардан кейин то қиёматгача келганлар учундир» дедилар. Умар ибн Хаттоб: Аллоҳнингяхшилиги нақадар кўп ва гўзал, деди.

Тош отиш қиёмат кунда нурдир

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
مَنْ شَهِدَ بِرَبِّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ نُوْرًا
مِنْ نُّوْرِ اَنْبِيَائِهِ وَرَبِّهِ
مَنْ شَهِدَ بِرَبِّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ نُوْرًا
مِنْ نُّوْرِ اَنْبِيَائِهِ وَرَبِّهِ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар сен жамаротларга тош отсанг сен учун қиёмат кунда нур бўлади.» Баззор ривояти.

Эслатма: мақолада келтирилган ҳадисларнинг энг қуйи даражаси ҳасан юқориси эса муттафақун алайҳидир. Ҳадислар асосан «Саҳиҳут Тарғиби ват тарҳиб»дан олинди.

2010 йил 5-ноябр